

## МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА АСОСЛАРИ

### ПОРЯДОК И ПРИНЦИПЫ ОРГАНИЗАЦИИ ОБЯЗАТЕЛЬНОЙ ОБЩЕСТВЕННОЙ РАБОТЫ

#### PROCEDURE AND PRINCIPLES OF ORGANIZING COMPULSORY COMMUNITY WORK

Қўчқоров Жалолиддин Нурилла ўғли

Тошкент давлат юридик университети Магистр

**Аннотация:** Ушбу мақолада мұаллиф томонидан Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони назарий ҳамда амалий билимларга таянган ҳолда уни тайинлаш ва ташкил этиши тартиби ҳамда асослари юзасидан батағсил тадқиқот олиб бориш ва турли хил тадқиқот усуслари яни кузатиш, таҳлил этиши ва қиёслаш каби илмий методлардан фойдаланиб, амалдаги қонунчилик юзасидан ўзининг фикр ва мулоҳазалари юритилганилиги ҳамда қонунчиликда келтирилган нормаларга шархлар берилганигини гувоҳи бўламиз.

**Аннотация:** В данной статье на основе теоретических и практических знаний автор проводит детальное исследование порядка и оснований назначения и организации обязательных общественных работ, а также, используя различные методы исследования, такие как наблюдение, анализ и сравнение, высказывает свое мнение по действующему законодательству и мы являемся свидетелями того, что высказывались и давались комментарии к нормам, указанным в законодательстве.

**Abstract:** In this article, based on theoretical and practical knowledge, the author conducts a detailed study of the procedure and grounds for assigning and organizing compulsory public works, and also, using various research methods, such as observation, analysis and comparison, expresses his opinion according to the current legislation and we are witnesses to the fact that comments were made and given to the norms specified in the legislation.

#### ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ:

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони тайинлаш ва ташкил этиши тартиби ҳамда асослари ўрганилади ҳамда аниқланган маълумотлар асосида амалдаги қонунчилигимизни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилади.

#### ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ:

Ушбу мақолада мұаллиф томонидан тадқиқотнинг кузатиш, таҳлил этиши ва синтез қилиш каби методларидан фойдаланилади.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Тадқиқот натижасида аниқланган янги илмий маълумотлар умумлаштирилади ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан аниқ мақсадга юналтирилган таклифлар ишлаб чиқилади ва норматив ҳужжатлар таҳлил этилади.

## ХУЛОСА

Мавзу доирасида тўпланган ҳамда таҳлил этилган ва унинг натижасида эришилган ютуқлар умумлаштирилади, шунингдек қонун ижодкорлиги тамойилига асосланиб, якуний илмий хулоса берилади.

**Калит сўзлар:** *Мажбурий жамоат ишлари, асосий жазо, қўшимча жазо, пробация, муқобил жазо.*

**Ключевые слова:** *обязательных общественных работ, основное наказание, дополнительное наказание, пробация, альтернативное наказание.*

**Key words:** *compulsory public works, main punishment, additional punishment, probation, alternative punishment.*

## КИРИШ

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигининг жазо тизимини либераллаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бу соҳада турли норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ қилинмоқда. Шундай қонунлардан бири Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 17 марта қабул қилинган Сенат томонидан 2017 йил 28 марта маъқулланган “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимчаchora-tadbirlar қабул қилингандиги муносабати билан ўзбекистон республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунидир. Ушбу қонуннинг 3-моддаси 4-бандига муюфиқ жиноят кодексига “Мажбурий жамоат ишлари” жазоси киритилди. Бунга кўра жиноят кодекси 45<sup>1</sup>-моддаси билан тўлдирилди. “Мажбурий жамоат ишлари маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдир. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади.

Маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади.

Мажбурий жамоат ишларини тайинлаш ва ўташ жойини белгилаш

Мажбурий жамоат ишлари бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлган муддатга тайинланади ва олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгacha бўлган муҳлатда кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади.

Мажбурий жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва

иккинчи гурух ногиронларига, ҳарбий хизматчиларга, чет эл фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди”<sup>27</sup>.

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми асос ҳисобланади. Мажбурий жамоат ишлари жазосини ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми асос бўлса, уни ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги, 346-сонли “Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақидаги низомни ҳамда мажбурий жамоат ишлари турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори асосида тасдиқланган “Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақида” низомда белгиланган тартиб асосида олиб борилади.

Ушбу низомга кўра, Мажбурий жамоат ишлари маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатdir. Агар маҳкум доимий иш ёки ўқиш жойига эга бўлган бўлса мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади. Мазкур жазо тури маҳкумга суд томонидан тайинлангач унинг ижроси таъминлаш айнан маҳкум яшаб истиқомат қиласиган жойдаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

“Мазкур жазо тури жиноят қонунчилигининг анчагина ёш институти ҳисобланиб, ҳозирга қадар амалиётда унинг талқини бўйича бир қатор камчиликлар мавжуд”<sup>28</sup>. Бундай турдаги камчиликлардан бири маҳкумга жазони ўташ жойини белгилашда унинг доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтган ва истиқомат қилиш жойи билан юзага келадиган муаммоларда кўринади. Масалан маҳкум бирон бир ҳудудда вақтинчалик рўйхатдан ўтган бўлсада, доимий равишда бошқа бир ҳудудда истиқомат қилиши мумкин ва айнан мана шу нарса назорат қилувчи орган учун маҳкумга жазо ўташ жойини тайинлашда қийинчиликлар келтириб чиқаради.

Маҳкумнинг мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг аниқ турлари юқорида

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (2019 йил 1 июлгача бўлган ўзгартериш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат” ҳуқуқий ахборот маркази. 2019 й. – 552 б.

<sup>28</sup> Ветрила Е.В. Понятие правового статуса субъекта уголовно-процессуальных правоотношений//Государство и право в XXI веке. 2015. №2. С. 50-55.

айтиб ўтилган низомга кўра маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва инспекция томонидан маҳкум яшайдиган ҳудудда белгиланади. Мазкур тартиб икки хил ҳолатни келтириб чиқаришини кўришимиз мумкин. Биринчидан, маҳкумнинг ушбу жазони ўзининг яшаш ҳудудида ўташи унга бир қанча қулайликлар келтириб чиқаради. Яъни ортиқча ҳаражатлар ва вақт сарфланишини олдини олади. Лекин бу орқали салбий жиҳатларни ҳам кўришимиз мумкин. Амалиётда мазкур жазо тури тайинланган маҳкумларнинг жазони уташида таниш-билишчиликка йўл қўйилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Юқорида айтилганидек маҳкум бирор бир ташкилот ёки органга жазони ўташ учун инспекциянинг юлланмаси орқали жалб қилинади. Ушбу иш берувчи ташкилот ёки орган қабул қилинган қарори ҳақида инспекцияга уч кун ичida жавоб юбориши лозим бўлади.

Мажбурий жамоат ишлари жазосини ўтаётган маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Биламизки ҳозирги кунда жиноят қонунчиликдаги жазоларни лебираллаштириш тенденцияси кетмоқда. Шу сабабли мажбурий жамоат ишларини ўтаётган маҳкумларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Дастреб мажбурий жамоат ишларининг ижросини тамиловчи инспекциялар томонидан маҳкумларга бериладиган имкониятларга тўхталадиган бўлсак, инспекция жазони ўтаётган маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишилган ҳолда қўйидагиларга ҳақли: маҳкумга ҳафта ёки ой мобайнида мажбурий жамоат ишлари соатларининг камроқ миқдорини ишлаб беришга рухсат этиш; даволаш курсини ўташ ва яқин қариндоши (эр-хотин, ота-она, фарзандлар, фарзандликка олган ва фарзандликка олинганлар, туғишган ака-ука ва опа-сингиллар, бува ва бувилар, неваралар) ўлими ҳолатида маҳкумларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиш учун рухсат этиш.

Маҳкумга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқишга рухсат бериш (четга чиқишга рухсат беришни рад этиш)га қарор қилинган тақдирда, инспекция бу борада асослантирилган қарор чиқаради ва маҳкумга тақдим этади. Мажбурий жамоат ишларининг ижросини тамиловчи инспекцияга бундай ваколатларнинг берилиши жазони ўтаётган маҳкумларга қулайлик туғдириш, улар ўз ҳуқуқларидан ўз вақтида фойдаланиш имконини беради.

Маҳкум мажбурий жамоат иши жазосини ўташ даврида қўйидаги ҳуқуқларга эга: “жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида, шунингдек, ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш; инспекцияга, юқори турувчи раҳбариятга ва бошқа давлат органларига таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиш; мажбурий жамоат ишларини ўташ давомида меҳнатга лаёқатини йўқотганда (шу жумладан ушбу жазони ўташ даврида ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилган аёллар) ёки пенсия ёшига етган тақдирда, қолган жазони ўташдан озод қилиш

тўғрисида судга илтимоснома билан мурожаат этиш<sup>29</sup>. Мажбурий жамоат ишлапи жазоси тайинлаган маҳкумлар юқоридаги ҳуқуқларга эга бўлишлари билан бир қаторда қўйдаги мажбуриятларни ҳам бажаришлари шарт. Мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлаган шахс суднинг ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан ўн кун ичидаги яшаш жойидаги инспекцияда ҳисобга туриши, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ўташ даврида ушбу жазони ижро этиш ва ўташ шартларига риоя этиши, ўзи учун белгиланган жойда ишлаши ҳамда мажбурий жамоат ишларининг белгиланган муддатлари ва ҳажмларини ишлаб бериши, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ўташ жойидаги ташкилотнинг ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этиши, меҳнатга вижданан муносабатда бўлиши (маҳкум томонидан мажбурий Ёбелгиланган нормаларни бажариши, бевосита ишларни бажариш даврида жамоат тартиби ва меҳнат интизомини бузиш ҳолатларига йўл қўймаслиги), мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ўташ давомида қўшимча (навбатдан ташқари) ишлар ва ўриндошлик асосида ишлашни тўхтатиши, агар уларнинг бажарилиши суд ҳукмини лозим даражада ижро этишга халақит бераётган бўлса, яшаш жойи ўзгарганлиги ҳақида инспекцияни хабардор қилиши, шунингдек, унинг чақиравига биноан етиб келиши шарт. Маҳкум инспекцияга етиб келмаган тақдирда, у мажбуран келтирилиши мумкин. Маҳкум мажбурий жамоат ишлари обьектини мустақил тарзда ўзгартириши ёки ишларни тўхтатиши мумкин эмас. Маҳкумга инспекциянинг рухсатисиз Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга чиқиш тақиқланади. Маҳкум ушбу мажбуриятлани бажармаса қўнунда белгиланган тартибда мажбурит жамоат ишлари жазоси бошқа жазо тури билан алмаштирилади.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юртимизда олиб борилаётган кўплаб ислоҳотлар самараси ўлароқ мажбурий жамоат ишлари жазосининг давлатимиз жиноят қонунчилигига киритилиши қонунчилик тизимидағи жазоларни либераллаштиришда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашда улкан қадамлардан бири бўлди. Шу билан бирга давлатимизда мазкур жазони амалиётда қўллашда айrim камчиликларни ҳам кузатиш мумкин. Қуйида ушбу камчиликлар ва уларни бартараф этишга мўлжалланган таклифларни кўриб чиқамиз:

Биринчидан, мазкур жазони ўташ асосан маҳкумнинг яшаш жойидан узоқ бўлмаган ҳудудларда амалга оширилади ва бундан кўринадики айнан ушбу омил таниш-билишчиликка олиб келади. Бундан ташқари жойларда жазони ижро этилишини назорат қилувчи инспекция ҳодимлари етишмовчилиги кузатилади. Бунинг натижасида эса маҳкум жазо ўташ учун бирор бир ташкилотга юборилади.

<sup>29</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги 346-сон қарорига 1-ИЛОВА Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақида низом

Лекин ушбу ташкилотда ҳар доим ҳам маҳкумга тайинланган жазо қонунда назарда тутилганидек амалга оширилмайди. Шу сабабдан ҳам кўп ҳолларда маҳкумга жазо тайинлашдан кўзланган асосий мақсадга эришилмайди.

Иккинчидан, қонун чиқарувчи мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан кўплаб чекловларни ўрнатади. Бироқ, жазони ижро этиш вақтида айбига пушаймон бўлган ва жазони ўташга вижданан ёндашган маҳкумларга нисбатан ҳеч қандай рағбатлантирувчи ҳолатлар кузатилмайди.

Учинчидан, мажбурий жамоат ишлари жазосини қўллаш мумкин бўлган субъектлар доирасини кенгайтириш. Яъни, ушбу жазо турини ҳарбий низом талабларига риоя қилган ҳолда муддатли ҳарбий хизматчилар ҳамда қисқа муддатли ҳарбий хизматчиларга нисбатан ҳам қўллаш таклифи.

Хориж тажрибаси ўрганилганда Молдова давлати қонунчилигига кўра ушбу жазо тури қонунчилигимиздан фарқли равишда ҳарбий хизматчиларга ҳам қўлланилишини кўришимиз мумкин ва бунда албатта ҳарбий низомлар талабларига риоя этилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

I. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (2021 йил 1 апрелгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т.: “Yuridik adabiyotlar publish” 2021;

II. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Инсон ҳуқуқлари. – Т.: Адолат, 2010;

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/3735818>;

IV. O’zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi. Umumiy qism: Chizmalar albomi // A.S.Yakubov, R.Kabulov, B.B.Matlyubov, D.Y.Payziyev, T.R.Kuchkarov. - Т.: O’zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi. 2014;

Уголовный кодекс Республики Молдовы

V. [https://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=3835](https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=3835)